

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 863-ҳадис

863 - وَعَنِ الطُّفَيْلِ بْنِ أَبِي بْنِ كَعْبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّهُ كَانَ يَأْتِي عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ،
فَيَعْدُو مَعَهُ إِلَى السُّوقِ، قَالَ: فَإِذَا عَدَوْنَا إِلَى السُّوقِ لَمْ يَمُرَّ عَبْدُ اللَّهِ بْنَ عُمَرَ عَلَى سَقَّاطٍ، وَلَا
صَاحِبِ بَيْعَةٍ وَلَا مِسْكِينٍ، وَلَا أَحَدٍ إِلَّا سَلَّمَ عَلَيْهِ، قَالَ الطُّفَيْلُ: فَجِئْتُ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عُمَرَ يَوْمًا
فَاسْتَبَعَنِي إِلَى السُّوقِ فَقُلْتُ لَهُ: مَا تَصْنَعُ بِالسُّوقِ وَأَنْتَ لَا تَقِفُ عَلَى الْبَيْعِ وَلَا تَسْأَلُ عَنِ السِّلْعِ،
وَلَا تَسْؤُمُ بِهَا، وَلَا تَجْلِسُ فِي مَجَالِسِ السُّوقِ؟! وَأَقُولُ: اجْلِسْ بِنَا هَهُنَا تَتَحَدَّثُ، فَقَالَ: يَا أَبَا بَطْنٍ -
كَانَ الطُّفَيْلُ ذَا بَطْنٍ - إِنَّمَا تَعْدُو مِنْ أَجْلِ السَّلَامِ، نُسَلِّمُ عَلَى مَنْ لَقِينَا. رَوَاهُ مَالِكٌ فِي «الْمُوطَأِ»
بِإِسْنَادٍ صَحِيحٍ [2/961].

863. Туфайл ибн Убай ибн Каъбдан ривоят қилинади:

Бу киши Абдуллоҳ ибн Умарнинг ҳузурларига келиб, у зот билан бирга бозорга боришар эди. Туфайлнинг айтишларича, «Бозорга борарканмиз, Абдуллоҳ бирор паст навли нарсаларни сотувчи ёки савдо ҳолатидаги дўкондор ёки бирор мискинга ёки бирор кимсага йўлиқсалар, уларга салом берардилар». Туфайл айтдилар: «Кунларнинг бирида Абдуллоҳ ибн Умарнинг олдиларига келдим. Мени ўзлари билан бозорга олиб бордилар. У кишига: «Бозорда нима қиласиз, барибир олди-сотди қилмасангиз, нархларини сўраб, баҳолашмасангиз ва бозор мажлисларида ўтирмасангиз?» десам, у киши: «Сен ўтир, бу ҳақда ана бу ерда гаплашамиз», дедилар-да, «Я абобатн» («эй қорин отаси»), дедилар (яъни, Туфайлнинг қоринлари катта бўлгани учун шундай атадилар). «Биз бу ерга салом сабабли, яъни йўлиққан кишиларимизга салом бериш учун келамиз», дедилар».

Имом Молик «Муватто»ларида саҳиҳ иснод билан ривоят қилганлар.

Шарҳ: Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳу Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам суннатларини тирилтириш учун бирортасини қолдирмай мана

шундай амал қилишда бошқа саҳобалардан ажралиб турардилар.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу саҳобалар ичида ўз тақвоси, илми ва каттаю кичик ҳар бир нарсада Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қилганларини такрорлашлари билан машҳур бўлганлар. Саҳобалардан фақат шу киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам нима қилган бўлсалар, айна ўзини такрорлар эдилар.

Бир куни Ибн Умар улов миниб кетаётиб бир жойга етганда очик, ҳеч нарса йўқ жойдан улов устида энгашиб ўтибдилар. Одамлар бу ишнинг сабабини сўрашган экан, бу ерда дарахт бор эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг остидан ўтганларида ҳозир мен энгашгандек энгашган эдилар. Мен ўша ишни дарахт кесилиб кетган бўлса ҳам, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашиб, такрорладим, деганлар.

Ҳадисдан олинадиган хулосалар:

- Хоҳ танисин, хоҳ танимасин ҳар бир мусулмон кишига салом бериш.
- Бозор Аллоҳнинг зикридан ғафлатда қолинадиган макон. Ушбу ҳолатда одамларга Аллоҳ зикрини эслатиб туриш лозим.
- Бозорда ҳожатини тугатган киши қалби дунё матоларига боғланиб қолмаслиги учун зудлик билан у ердан чиқиб кетмоғи лозим.

Манба: hadis.islom.uz

